

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАЛИЛАЕВ МАКСЕТБАЙ УРАЗБАЙ УЛИ

**БУРҒУЛАШ ЭРИТМАЛАРИ УЧУН ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁЛАР
АСОСИДА КЎПИК СЎНДИРУВЧИЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of doctor of filsofy (PhD)

Калилаев Максетбай Уразбай ули

Бурғулаш эритмалари учун иккиламчи хомашёлар асосида кўпик сўндирувчиларни олиш технологияси.....3

Калилаев Максетбай Уразбай ули

Технология получения пеногасителей для буровых растворов на основе вторичного сырья..... 21

Kalilayev Maqsetbay Urazbay uli

Technology for producing foaming agents for drilling fluids based on secondary raw materials..... 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАЛИЛАЕВ МАКСЕТБАЙ УРАЗБАЙ УЛИ

**БУРҒУЛАШ ЭРИТМАЛАРИ УЧУН ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁЛАР
АСОСИДА КЎПИК СЎНДИРУВЧИЛАРНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2023.4.PhD/Т3816 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ташкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.iolx.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бухаров Шухрат Бурниевич
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар:

Адилов Бобиражон Замирович
техника фанлари доктори, профессор

Уришов Собир Насриддинович
техника фанлари фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бердак помидоги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «29» декабрь 2023 йил соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: iolx@academy.uz

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2023 йил «15» декабрь куни тарқатилади.
(2023 йил «15» декабрга № 6- реестр баённомаси)



Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қoшидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда бурғулаш эритмалари учун янги кўпик сўндирувчиларни олиш ва уларнинг хусусиятларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунинг сабаби бурғулаш эритмаларида кўпик ҳосил бўлиши бурғулаш самарадорлигининг пасайишига ва қудуқларда авариялар хавфининг ошишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, бурғулаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш учун самарали кўпик сўндирувчилар, стабилизаторларни танлаш ва бурғулашнинг геологик ва техник шартларига мос келадиган бурғулаш эритмаларининг таркибларини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда кўпикни сўндириш хусусиятига эга янги материалларни олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан табиий хомашё, синтетик реагентлар ва саноат чиқиндилари асосида янги кўпикни сўндирувчи аралашмалар ишлаб чиқариш ва ўрганиш, бурғулаш эритмалари, олинган кўпикни сўндирувчи моддаларнинг таркиби ва хусусиятлари, уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш, уларнинг кўпикни йўқ қилиш жараёнида фаоллигини ва таркибидаги турли компонентлар билан ўзаро таъсир қилиш хусусиятини аниқлашга қудуқларда кўпик ҳосил бўлишини камайтириш ва бурғулаш самарадорлигини ошириш, шунингдек, қудуқларда юзага келиши мумкин бўлган аварияларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада янги материаллар, жумладан, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида кўпикни сўндирувчи воситалар олишда илмий-амалий натижаларга эришилди. Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган учинчи йўналишида мақсад ва вазифалари белгилаб берилган «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш...»¹. Бу борада бурғулаш саноатининг замонавий талабларига жавоб берадиган, юқори самарали кўпикни сўндирувчи воситаларни олиш, функционал хусусиятлари ва ишлаб чиқариш шароитлари, шунингдек, таркиби ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614-сонли «2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сонли «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий дальнейшего развитию Республики Узбекистан»

бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот республикада фан ва техникани ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда реагентлар ва материалларни олиш соҳасида мақсадли тадқиқотлар, шу жумладан, бурғулаш эритмалари учун кўпик сўндирувчилар Jerry Englund, James Low, Carlos Kerpen, Robert Klein, Ишбаева, В.М. Захарова, А.Н.Королева, И.А.Кравченко, А.В.Косточка ва бошқаларнинг илмий мактаблари томонидан фаол равишда олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда К.С.Аҳмедов раҳбарлигида бурғулаш эритмалари учун сирт фаол моддалар ва бошқа кимёвий реагентларни олиш бўйича тадқиқот ўтказишга йўналтирилган мактаб ташкил этилиб, унинг вакиллари Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекел, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамхўжаев, У.К.Аҳмедов, Г.Р.Нарметова, И.К.Сатаев, С.А.Абдурахимова, И.Д.Эшметов, А.Б.Абдикамалова ва бошқалар унинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунга қадар бурғулаш эритмалари учун самарали кўпик сўндирувчи воситаларнинг янги турларини уларнинг таркиби ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш технологиясини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилгани йўқ. Маълум технологиялар билан олинган кўпик сўндирувчи қўшимчаларнинг нархи баланд бўлиб, ҳар доим ҳам кўпик ҳосил бўлишини олдини олиш сингари барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатмайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-ФА-2019-37 лойиҳаси бўйича “Қўнғирот сода заводи чиқиндилари асосида шўрланган тупроқлар ва қумларда бўроннинг олдини олиш учун реагентларнинг янги авлодини яратиш” лойиҳаси доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади иккиламчи хом ашёлар асосида бурғулаш эритмалари учун кўпикни сўндирувчи аралашмаларни олиш ва уларни саноат миқёсида олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Навбахор бентонити асосидаги гилли суспензиялари ҳамда ХанFlex ва Гламин биополимерлари асосидаги гилсиз полимер эритмаларининг реологик ва филтрацион хусусиятларини тадқиқ қилиш;

ҳар хил табиатли сирт фаол моддалар: ОП-10 ва ГКЖ-11 таъсирида гилли суспензия ва полимер эритмаси тизимида кўпик ҳосил бўлиш кинетикасини ўрганиш;

соапсток, суюқ парафин ва паст молекуляр полиэтилен (Uz-Kor Gas Chemical) каби иккиламчи хомашёнинг ўрганилаётган бурғулаш эритмаси тизимларида кўпикни сўндирувчи ва кўпик ҳосил бўлишини олдини олувчи таъсирларни ўрганиш;

сув асосли бурғулаш эритмалари тизимида кўпик ҳосил бўлишига қарши кўпик сўндирувчи аралашма таркибидаги эмульгатор, гидрофобизатор ва ташувчининг биргаликдаги таъсирини аниқлаш;

сув асосли бурғулаш эритмасининг табиатига қараб кўпикни сўндирувчи аралашманинг таркибий қисмларининг нисбатини белгилаш;

кўпик сўндирувчи аралашмаларни олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг илмий асосларини яратиш ва кўпик сўндирувчи қўшимчалар олиш технологиясини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган чоратадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида соапсток, суюқ парафин (СП), паст молекуляр полиэтилен (ПЭ) ва улар асосидаги бурғулаш эритмаларига кўпик сўндирувчи қўшимчалар, турли сирт фаол моддалар, бурғулаш эритмаларининг кимёвий реагентлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кўпик ҳосил бўлишини ўрганиш усуллари, гилли ва полимер бурғулаш эритмаларининг реологик хусусиятлари, дисперс муҳит билан кўпик сўндирувчи аралашмасининг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро таъсир механизмлари ва уларнинг сирт фаоллиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда дисперс тизимларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашнинг замонавий ва анъанавий усуллари: рентген-флуоресцент ва электрон микроскопик таҳлиллар ҳамда коллоид-кимёвий (вискозиметрик, кондуктометрик) усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўпик баландлигининг кескин ўсиши кузатиладиган сирт фаол моддалар концентрацияси чегараси (0,3%) ва ОП-10 ГКЖ-11 га нисбатан юқори баландлик ва кўпик барқарорлигини таъминлаши аниқланган;

60% суюқ парафин (СП), 20% гидрофоб қўшимча полиэтилен (ПЭ), 20-40% сирт фаол модда (соапсток) ҳамда полипропиленгликол (ППГ) ва полиакриламид (ПАА) ёрдамида кўпик сўндирувчи композиция таркиби яратилган;

яратилган таркибга 1% гача КМЦ қўшилиши композиция системасининг барқарорлигини ошириши ва кўпик сўндириш қобилиятини яхшилаши аниқланган;

кўпик ҳосил бўлишини олдини олиш даражаси аралашмадаги ёғ кислоталари миқдори билан боғлиқлиги ҳам да ПГ3 ва ПГ4 композицияларини фойдаланилганда кўпик ҳосил бўлишини олдини олиш самарадорлиги полимерли эритмада 40% дан ортиқ ва гилли эритмада эса 24-35% эканлиги аниқланган;

бурғулаш эритмаларининг хусусиятларини яхшилашга ва бурғилашнинг самарадорлигини оширишга олиб келадиган кўпик сундирувчи композициясини sanoатда олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўпикни сундирувчи аралашмани олиш учун соапсток ва оҳак асосида эмульгатор, суюқ парафин асосидаги ташувчи ва паст молекуляр полиэтилен ва дизел ёқилғиси асосидаги гидрофоб қўшимча олиш технологияси ишлаб чиқилган;

соапсток, суюқ парафин, паст молекуляр полиэтилен ва бошқа ёрдамчи қўшимчалар асосида кўпикни сундирувчи аралашмани олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотлар замонавий физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилди, шунингдек «EPSILON DEVELOPMENT COMPANY» МЧЖ базасида лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида тажриба синовлари ўтказилди ва синов актлари билан тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш методологиясини ишлаб чиқиш ва улар асосида бурғулаш эритмалари учун самарали кўпик сундирувчиларни олиш, уларнинг таркиби ва функционал хусусиятларига боғлиқлигини аниқлаш билан асосланади, бу эса сув асосидаги бурғулаш эритмалари учун кўпик сундирувчиларни мақсадли олиш жараёнини амалга оширишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бурғулаш эритмалари учун кўпик сундирувчилар ва бошқа минерал дисперсияларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнида кимё ва кимёвий технология йўналиши бўйича таълим муассасаларида магистр ва бакалаврларни тайёрлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккиламчи хом ашё асосида кўпик сундирувчиларни ишлаб чиқариш бўйича илмий натижаларга асосланиб:

сув асосидаги бурғулаш эритмалари учун кўпик сундирувчилар таркиблари «EPSILON DEVELOPMENT COMPANY» МЧЖнинг «2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («EPSILON DEVELOPMENT COMPANY» МЧЖнинг № 2023 йил 21 сентябрдаги 27/ЗНА-1967-сон маълумотномаси). Натижада маскур таркиблар импорт маҳсулотларига яқин бўлган ва баъзи ҳолларда ҳатто улардан юқори хусусиятларга эга кўпик сундирувчиларни олиш имконини беради;

соапсток, суюқ парафин ва паст молекуляр полиэтилен асосида кўпик сундирувчи аралашмани ишлаб чиқариш технологияси «EPSILON DEVELOPMENT COMPANY» МЧЖнинг «2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («EPSILON DEVELOPMENT COMPANY» МЧЖнинг № 2023 йил 21

сентябрдаги 27/ЗНА-1967-сон маълумотномаси). Натижада импорт қилинган аналогларни ишлаб чиқилган технология бўйича яратилган кўпик сўндирувчи воситасига алмаштириш 2 барабар кўпроқ иқтисодий самара олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, 4 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ўтказилган тажриба саноат синовлари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Бурғулашда фойдаланиладиган эритмалар ва уларда кўпик ҳосил бўлиши жараёнларини тартибга солиш. Кўпик сўндирувчи моддалар ишлаб чиқишнинг бугунги кун ҳолати»** деб номланган биринчи бобида нефт ва газ қудуқларни, шунингдек, қаттиқ минераллар учун бурғулаш эритмалари, гилли минералларнинг умумий хусусиятлари, шунингдек, бурғулаш эритмаларини қайта ишлаш учун ишлатиладиган кимёвий реагентлар кўриб чиқилган. Бурғулаш эритмаларида кўпик ҳосил бўлишини олдини олиш масаласининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Кўпик сўндирувчиларни олиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ўтказилган.

Адабиётларни таҳлил қилиш гилли ва гилсиз бурғулаш эритмалари учун кўпик сўндирувчиларни олиш учун маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиш имкониятини аниқлайди. Адабиётларни таҳлил қилиш ушбу ишнинг мақсади ва вазифаларини шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг **«Гилли ва полимер бурғулаш эритмаларини яратиш учун танланган тадқиқот объектлари ва уларни тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларининг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш усулларини ўз ичига

олган ишнинг услубий қисми тақдим этилган. Гилли бурғулаш эритмаларини тайёрлаш учун асос сифатида «Бентонит» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган ПБМА маркали бентонити танлаб олинди. Гилсиз бурғулаш эритмаларини тайёрлаш учун ХанFlex биополимери ишлатилди.

Бурғулаш эритмаси стабилизатори сифатида КМЦ, синтетик полимер гипан (Ts 00203855-19:2016) ва гидролизланган полиакриламид ПАА ишлатилди. рН ни созлаш учун NaOH (ч.д.а.) ишлатилди.

Полимер бурғулаш эритмаларида структура ҳосил қилувчи сифатида ишлатилган иккинчи биополимер бу ксантан модификацияланган биополимер (ТУ 2458-001-14023401-2008) «Гламин» танлаб олинди.

Ишлатилаётган КМЦ нинг полимерланиш даражаси 900-1000 ни ташкил қилади. Намликнинг масса улуши 8% дан ошмайди. 1% ли эритманинг рН қиймати 10,1 га тенг.

Гилли ва гилсиз бурғулаш эритмалари тизимида сунъий кўпик ҳосил қилиш учун сирт фаол моддалар сифатида ОП-10 ва ГКЖ-11 ишлатилган. Амалда, улар асосан мойлаш қўшимчаси сифатида ишлатилади.

Кўпиксизлантириш жараёнида тайёрлаш учун сирт фаол модда сифатида пахта соапстоки захираси (Хожайли ёғ - мой заводи ОАЖ), ташувчи сифатида суюқ парафинлар аралашмаси «Uz-Kor Gas Chemical» полиэтилен ишлаб чиқариш цехи чиқиндилари) каби саноат чиқиндиларидан фойдаланилган, паст молекуляр полиэтилен («Uz-Kor Gas Chemical» полиэтилен ишлаб чиқариш цехи чиқиндилари) гидрофоблик қўшимча сифатида, ёрдамчи компонент полипропилен гликол, метакрил кислота ва қисман гидролизланган ПАА аралашмасидан фойдаланилди.


Диссертациянинг «**Бурғулаш эритмаларида кўпик ҳосил бўлишини тартибга солиш жараёнларини тадқиқот қилиш**» номли учинчи бобида гилли ва гилсиз бурғулаш эритмаларининг асосий хусусиятларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек, турли сирт фаол моддаларнинг ушбу системада кўпик ҳосил бўлишига таъсири келтирилган.

ПМБА маркали бентонит таркибида Na_2O миқдори 5% дан ортиклиги билан тавсифланади, бу бентонитни Na-шаклига ўтказиш ва қўшимча эрмайдиган аралашмаларни камайтириш учун олинган модификаторнинг (Na_2CO_3) ортикча миқдори билан боғлиқ. Таҳлил натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, ПМБА маркали бентонит таркибида SiO_2 ва Al_2O_3 нинг, шунингдек, натрий оксиди (Na_2O) миқдори юқори. Шу билан бирга, ПМБА бентонитида фосфатлар (P_2O_5) ва сульфатлар (SO_3) миқдори нисбатан паст бўлиб, бу кўп миқдорда қўшимча аралашмалар йўқлигини кўрсатади.


Бентонитнинг майда фракцияларини рентгенофлуоресцент таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу материал асосан гилларнинг натрийли шакли билан ифодаланади. Нозик дисперс фракция таркибида алюминий ва магнийнинг миқдори ҳам ортади. Шу билан бирга, бу фракция таркибида ишқорий ер металлларининг миқдори камаяди. Баъзи элементларнинг дағал фракцияларда кўпроқ миқдорда эканлиги кварц, дала шпати ва иллитнинг кўплиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бентонит кукуни ва табиий гил асосида суспензиялар тайёрланди ГОСТ 25796.83 «Бурғулаш эритмалари учун гил кукунларини ишлаб чиқаришда гил хом ашёси. Синов усуллари» бўйича технологик тадқиқотлар ўтказилди.

1-расмда суспензияларнинг гил компоненти таркибига қараб шартли қовушқоқликнинг ўзгариш диаграммаси кўрсатилган. Ушбу графикдан кўриниб турибдики, тизимдаги қаттиқ фаза концентрациясининг ошиши билан шартли қовушқоқлик кескин ошади, бу қаттиқ фаза зарралари орасидаги таъсирлашиши билан боғлиқ. 1-жадвалда 10% ли ПМБА суспензияси ва таққослаш учун олинган табиий Навбахор ишқорий бентонитининг (НИБ) асосий технологик тавсифлари кўрсатилган.



1-расм. Гил концентрацияси ўзгаришининг унинг суспензияси шартли қовушқоқлигига таъсири.



2-расм. 5% гил суспензиясида кўпик баландлигининг системадаги сирт фаол моддалар концентрациясига боғлиқлиги.

ПМБАнинг қовушқоқлик хусусиятлари юқори қийматларга эга. ПМБА сув билан боғланишнинг миқдори катталиги туфайли унинг суспензияси барқарорлик қиймати юқорилиги билан тавсифланади. НИБ табиий гил суспензияси характеристикаларининг барқарорлиги кам ва кимёвий ишловсиз уларни чучук сувдаги бурғулаш эритмалари сифатида ишлатиш мумкин эмас. ПМБА таркибида натрий оксиди миқдорининг ортиқчалиги туфайли унинг суспензияси рН қиймати НИБ суспензиясига нисбатан юқори.

Синовлар турли сирт фаол моддалар билан ишлов берилган 5% ли бентонит суспензияларида ўтказилди, улар ҳозирда бурғулаш эритмаларининг қовушқоқлиги ва филтрлаш хусусиятларини яхшилаш учун ишлатилади. Сифатли сирт фаол моддалар сифатида ОП-10 ва ГКЖ-11 реактивларидан фойдаланилди. Ушбу сирт фаол моддалар концентрациясига қараб кўпикланиш қобилятининг таъсири тадқиқот қилинди. Концентрациянинг таъсири 0,01-0,1% оралиғида ўрганилди.

ОП-10 ёрдамчи сирт фаол моддадир. Ушбу СФМ асосан, бурғулаш эритмаларининг мойлаш хусусиятларини яхшилаш учун ишлатилади. У шаффоф сарғиш тусдаги суюқликдир. Шунингдек у ион бўлмаган сирт фаол моддадир. Мойлаш хусусиятларидан ташқари, бу сирт фаол моддаси эмульгирлаш хусусиятларни ҳам кўрсатади. Шунинг учун у намланиши қийин бўлган реагентлар ва барит, графит ва бошқалар каби кимёвий материаллардан фойдаланган ҳолда гил ва гилсиз бурғулаш эритмаларини тайёрлашда кенг қўлланилади.

ГКЖ-11 гил ва гилсиз бурғулаш эритмалари таркибида гидрофобизатор восита сифатида кенг қўлланилади. Шунингдек, таркибидаги мойлар билан биргаликда бу реагент гил қобиғининг ишқаланиш коэффициентини камайтиришда самарали бўлади, яъни у мойлаш хусусиятига эга.

Турли миқдордаги сирт фаол моддалар таъсирида бентонит суспензияларида ҳосил бўлган кўпик баландлигини ўрганиш натижалари 3-расмда кўрсатилган. Баландлик ўлчови суспензия силкитилгандан сўнг дарҳол амалга оширилди.


2-расмдан кўриниб турибдики, 5% суспензияга ҳавони пуфлаш ва чайқаш 6 см дан кўп бўлмаган миқдорда кўпик ҳосил бўлишига олиб келади. Тизимга сирт фаол моддаси кўшилиши ва унинг концентрациясини ошириш кўпик ҳажмини ошишига олиб келади. Айниқса, бу ОП-10 учун сезиларлидир. Уни суспензия массасининг 0,05% миқдорида кўшиш 10 см баландликдаги кўпик ҳосил бўлишига олиб келади, ГКЖ-11 ни кўшиш эса, кўпик миқдорида сезиларли таъсир кўрсатмайди. Иккала сирт фаол моддалар концентрациясини 0,3% га ошириш кўпик баландлигини кескин оширади. Сирт фаол моддалар концентрациясининг кейинги ўзгариши (0,5% дан ортиқ) сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди ва бу ҳолларда ушбу тизимда кўпик ҳосил бўлиши мувозанат ҳолатини кузатиш мумкин. Бутун концентрация оралиғида ОП-10 тизимидаги кўпик баландлиги ГКЖ-11 билан солиштирганда юқорироқдир, бу суюқлик-ҳаво фазаси чегарасида биринчисининг адсорбцион қийматлари юқори эканлигини кўрсатади.

Генерация жараёнининг бошида иккала сирт фаол моддаларнинг концентрацияси паст бўлганда кўпик баландлиги деярли бир хил қийматлар билан тавсифланади. Бироқ, ГКЖ-11 иштирокидаги тизимга ҳаво пуфлагандан кейин 10 сониядан сўнг, кўпик баландлигида маълум бир мувозанат кузатилади, ОП-10 тизими учун эса кўпикнинг кўпайиши давом этади, бу айниқса сирт фаол моддаларининг концентрациялари юқори бўлганда (0,5%) сезиларли бўлади. Ҳавони 20 сония ёки ундан кўпроқ вақт давомида пуфлаш ГКЖ-11 иштирокидаги тизимда кўпик ҳажмини унинг 0,25% дан ортиқ концентрациясида сезиларли даражада оширади ва ҳосил бўлгандан кейин бир дақиқадан сўнг кўпик баландлиги 50 см дан ошади, 0,1% концентрацияда эса баландлиги атиги 9 см бўлади.


Агар бир дақиқада ОП-10 нинг 0,5% суспензияси 41 см кўпик ҳосил қилса, ГКЖ-11 нинг бундай миқдори атиги 30 см кўпик ҳосил қилади. Бундан кейин яна пуфлаш ва силкитиш кўпик баландлиги қийматларида сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди, фақат унинг барқарорлигига таъсир қилади, яъни ушбу жараёнда кўпикнинг дисперциясини ва улар орасидаги суюқлик қатламнинг қалинлигини ўзгартириши мумкин.

Шунингдек, турли сирт фаол моддалар иштирокида тизимда ҳосил бўлган кўпиклар бир-биридан турғунлик муддати жиҳатидан фарқ қилади. Белгиланганидек, 5% гилли тизимдаги кўпикнинг барқарорлиги ундаги сирт фаол моддасининг таркибига ва унинг кўпикланиш хусусиятларига мос келади. ОП-10 иштирокидаги тизимлар концентрацияси 0,3% дан юқори

бўлганда нисбатан каттароқ барқарорликка, яни вақт давомида турғунликка эга. Агар бурғулаш эритмаси тизимидаги бу сирт фаол моддалар, бурғулаш эритмасининг хусусиятлари ва шароитларига қараб, 1-2% ёки ундан ортиқ концентрацияга эришиши мумкинлигини ҳисобга олсак, ҳосил бўлган кўпиклар вақт ўтиши билан жуда барқарор бўлиши мумкин.



3-расм. Сув сирт таранглигининг сирт фаол моддалар концентрациясига боғлиқ ўзгариши.



4-расм. Суюклик/ҳаво фазаси чегарасида сирт фаол моддалар адсорбцияси изотермалари.

ГКЖ-11 иштирокидаги тизимларда баландлиги пастроқ бўлишига қарамай, ҳатто 10 минут тиндирилгандан кейин ҳам 3-4 см баландликдаги кўпик таркибида ГКЖ-11 0,2% дан ортиқ бўлган суспензияларда сақланиб қолади. Таркибида сирт фаол моддалари бўлган системада кўпикни бутунлай йўқ қилиш учун тахминан 30-60 дақиқа керак бўлади, уларсиз тизимлар учун тахминан 2 дақиқа этарли.

Ўрганилаётган сирт фаол моддаларнинг кўпикланиш қобилиятининг ўзгариши ва бурғулаш эритмаси системада кўпикларнинг мавжудлиги давомийлиги ушбу сирт фаол моддаларнинг табиатига ва улар кўпикларининг барқарорлиги, сув-ҳаво фазаси чегарасидаги эритмадан адсорбцияланиши қийматларига боғлиқ деб айтиш мумкин (4-расм). Адсорбцион қиймат сирт фаол моддалар эритмаларининг сирт таранглигини аниқлаш асосида ўрнатилди (3-расм).


Сирт фаол моддалар концентрациясига қараб сирт таранглигининг ўзгариши эгри чизиғи шуни кўрсатадики, ОП-10 да аниқроқ ифодаланган сирт фаол хусусиятлар кузатилади ва унинг сувли эритмадаги концентрациясининг ошиши унинг сирт таранглигини 50,5 мН/м гача камайтиради ва бундай сирт фаол моддалар концентрациясидаги ГКЖ-11 ли эритма $\sigma=56$ мН/м га эга.

Полимер бурғулаш эритмасини тайёрлаш учун асос сифатида ХанFlex биополимери ишлатилган. Бурғулаш эритмаси тайёрлаш учун биополимерлардан фойдаланиш атроф-муҳитга зарарли таъсири камайтиради, чунки биополимерлар микроорганизмлар ва кўпчилик кислоталар таъсирига учрайди. Натижада, биополимерлар тўлиқ оксидланиб парчаланadi. Полимер бурғулаш эритмаларини олиш учун структура ҳосил қилувчи сифатида 0,5% миқдорда Гламин ишлатилган. ХанFlex асосий полимерининг миқдори 0,7-1% ни ташкил этди. Ингибирловчи кўшимча сифатида 3% миқдорида CaCl_2 тузи ишлатилган. Шу тарзда олинган бурғулаш суюқлиги қуйидаги технологик хусусиятларга эга (1-жадвал).


ХанFlex ва Гламин асосидаги полимер бурғулаш эритмасининг технологик хусусиятлари

| Т, с | П, мПа*с | pH | В, см ³ /30 с | Қобик қалинлиги, мм | CHC ₁ /CHC ₁₀ , дПа | ρ, г/см ³ |
|------|----------|----|--------------------------|---------------------|---|----------------------|
| 43 | 8,5 | 8 | 5 | 0,2 | 9/13 | 1,11 |

Сирт фаол моддаларсиз полимер бурғулаш эритмаларига ҳаво пуфлаганда 5 см дан ошмайдиган кўпиклар ҳосил бўлади, бу эса гилли бурғулаш эритмалари натижаларига нисбатан пастроқ. ХанFlex ва Гламин кўшилиши билан полимер бурғулаш эритмаси системасида кўпикланиш кинетикасини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўпик ҳосил бўлиш тезлиги эритмадаги ХанFlex концентратция, ҳарорат, босим ва суюқликнинг механик таъсирига боғлиқ. Кўпикланишнинг дастлабки босқичларида кўпик ҳажмининг тез ўсиши кузатилади, кейинчалик у барқарор концентрацияга секинлашади.



5-расм. ОП-10 иштирокидаги полимер бурғулаш эритмасида кўпик ҳосил бўлиш кинетикаси.




6-расм. ГКЖ-11 полимер бурғулаш эритмасида кўпик ҳосил бўлиш кинетикаси

Гилсиз бурғулаш эритмалари тизимида кўпикланиш интенсивлиги ОП-10 нинг бир хил концентрациясидаги гилли эритмаларга нисбатан анча юқори. Буни тизимда кўпик пайдо бўлишига тўсқинлик қиладиган қаттиқ фаза мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, гил заррачаларига адсорбция қилиш учун маълум миқдордаги сирт фаол моддаси сарфланади, шу билан унинг суюқлик/ҳаво фазаси чегарасида миқдори бир неча маротабага камаяди. Шу сабаб, қаттиқ моддаларсиз тизимда, чегарадаги адсорбция миқдори гилли бурғулаш эритмалари билан солиштирганда анча паст ва умумий кўпик ҳажми, 5-расмда кўрсатилганидек, анча катта.


Агар 0,5% ОП-10 ва ГКЖ-11 ли гилли бурғулаш эритмалари ҳажмидаги фарқ 1,36 марта бқори, у ҳолда бу сирт фаол моддалар билан полимер эритмалари бир дақиқада 60 ва 58 см кўпик ҳосил қилади. Турли сирт фаол моддаларга эга системаларда кўпик баландлигининг ўхшаш қийматлари уларнинг ўзаро таъсири механизми ва интерфейсидаги сирт фаоллиги деярли бир хил эканлигини кўрсатади. Кейинчалик пуфлаш ва силкитиш кўпикнинг баландлигида сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди, лекин унинг барқарорлигига таъсир қилади.

Турли сирт фаол моддаларга эга системада кўпикнинг сақланиб туриши муддати ҳар хил. Системадаги кўпикнинг барқарорлиги сирт фаол моддалар

таркибига ва уларнинг кўпикланиш хусусиятларига мос келади. ОП-10 концентрацияси 0,3% дан юқори бўлган системаларда барқарорроқ. Бурғилаш эритмалари системадаги бу сирт фаол моддаларнинг концентрацияси бурғулаш эритмасининг хусусиятлари ва шароитларига қараб 1-2% ёки ундан кўп бўлиши мумкинлигини ҳисобга олсак, ҳосил бўлган кўпик вақт ўтиши билан жуда барқарор бўлиши мумкин.



7-расм. ОП-10 ли полимер бурғулаш эритмасида кўпикнинг парчаланиш кинетикаси.



8-расм. ГКЖ-11 ли полимер бурғулаш эритмасида кўпикни парчаланиш кинетикаси.


ОП-10 ли тизимда кўпикни парчаланиш кинетикаси икки босқичда кўпик баландлигининг пасайишини кўрсатади. Дастлаб, 30 сония давомида кўпик баландлиги аста-секин пасаяди, кейинги 20 сония ичида кўпик баландлиги 44 дан 31 см гача кескин пасаяди, сўнгра кўпикнинг умумий ҳажми барқарорлашади.

Бошқа томондан, таркибида ГКЖ-11 бўлган тизимларда 4-5 см баландликдаги таркибидаги ГКЖ-11 миқдори 0,2% дан ортиқ бўлганда кўпик ҳатто 10 минут тургандан кейин ҳам сақланиб қолади. Бу кўпик ГКЖ-11 ли системада янада самарали ушлаб турилишни кўрсатади, бу нарса унинг гидрофобик хусусиятлари ва тизимда янада барқарор кўпик ҳосил қилиш қобилиятига боғлиқ бўлиши мумкин.


Сирт фаол моддалари бўлган системаларда кўпикни тўлиқ йўқ қилиш учун тахминан 30-60 дақиқа керак бўлади, уларсиз тизимлар учун эса тахминан 2 дақиқа кифоя қилади.

Диссертациянинг «**Табийй ва синтетик кўпик сўндирувчилар таъсирини тадқиқ қилиш. Бурғулаш эритмалари учун кўпик сўндирувчи композициялар олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида турли саноат чиқиндиларини кўпикка қарши аралашма сифатида ишлатиш имкониятларини ўрганиш ва кўпикка қарши аралашмани олиш технологиясини ишлаб чиқаришга қаратилган экспериментал тадқиқотлар маълумотлари келтирилган.

Тадқиқотлар учун 5% концентрацияда бентонит суспензияси тайёрланди, унга 2% миқдорда ОП-10 ва 2% ГКЖ-11 аралашмаси қўшилди. Сирт фаол моддалар эритмаларида ҳавони барботажлаш шароитида кўпик ҳосил бўлишига соапстокнинг (10% эритма) таъсирини ўрганиш натижалари 9-расмда келтирилган.



9-расм. Соапстокнинг кўпик сўндирувчи сифатида қиёсий самарадорлигининг унинг концентрациясига боғлиқлиги.



10-расм. СПнинг сарфиига боғлиқ равишда кўпик сўндиргич сифатида нисбий самарадорлиги.

Кўпикни сўндириш хусусиятлари соапстокнинг табиатига таъсирини ўрганиш учун ушбу моддага $\text{Ca}(\text{OH})_2$ билан ишлов бериш амалга оширилди. Соапстокка ишлов бериш жараёни CaO ни сувда эритишдан иборат бўлиб, сўнгра аралаштириш ва ҳосил бўлган гидроксид суспензиясида 10% масса концентрациясига мос келадиган миқдорда соапсток қўшилишидан иборат эди. Бундай ҳолда, соапсток ва $\text{Ca}(\text{OH})_2$ нинг масса нисбати 95:5 дан 85:15 гача ўзгариб туради, бу натрий ионларини кальций ионлари билан қисман алмаштиришни кўрсатади. Тақдим этилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, соапсток ва кальций оксиди аралашмасида $\text{Ca}(\text{OH})_2$ миқдорининг ортиши билан кўпик баландлиги пасаяди. Бундан ташқари, кўпик баландлиги ва КС сарфи ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд. Яъни, КС сарфининг ошиши билан кўпик баландлиги пасаяди. Бундай ҳолда, максимал кўпикни сўндириш қобилиятига эришиш учун соапсток ва кальций оксидининг мақбул нисбати 85:15 ни ташкил қилади. Бироқ, бу аралашманинг эрувчанлиги сезиларли даражада камайди ва тизимнинг гомогенлигига эришиш қийин болади. Бу борада масса нисбати 90:10 бўлган аралашма янада самаралироқ бўлди. Шунинг учун бу аралашма кейинги тадқиқотлар учун танланиб олинди.

2-жадвал.

Соапстокнинг кўпикни сўндириш қобилияти + CaO аралашмаси

| Соапсток: CaO нисбати | КС сарфи % | T вақтдан, дақ., сўнг кўпик баландлиги, (см) | | |
|-----------------------------------|------------|--|----|----|
| | | 5 | 15 | 30 |
| 95:5 | 0,1 | 30 | 25 | 26 |
| | 0,5 | 24 | 12 | 12 |
| | 1,0 | 23 | 29 | 32 |
| 90:10 | 0,1 | 26 | 21 | 19 |
| | 0,5 | 25 | 13 | 12 |
| | 1,0 | 22 | 28 | 34 |
| 85:15 | 0,1 | 24 | 19 | 19 |
| | 0,5 | 24 | 12 | 8 |
| | 1,0 | 25 | 20 | 20 |

Кўпик сўндирувчини потенциал компонент сифатида кейинги тадқиқотлар учун C_{14} ва C_{18} (11-расм) оралиғида бир қатор углерод атомлари билан суёқ парафинлар (СП) аралашмасини ўз ичига олган чиқиндиларнинг («Uz-Kor Gas Chemical» МЧЖ) нинг ишлатилган гексани ўртача фракцияси танланган.

Кўпик сўндирувчи концентрациясининг ошиши билан кўпикланиш муддати камаяди ва кўпикнинг баландлиги пасаяди. Бу шуни кўрсатадики, кўпик сўндиргич бурғулаш эритмаларида кўпик ҳосил бўлишини самарали равишда камайтиришга қодир. СП коцентрацияси 0,1% дан 1% гача оширилганда, кўпик баландлиги 15,3 дан 6,3 см гача камаяди. Аммо 1% дан кам бўлган концентрацияларда ҳавонинг узоқ вақт барботажланиши кўпик ҳажмини ошишига олиб келиши мумкин. Бу, эҳтимол, барқарор эмульсия ҳосил бўлиши ва суюқ парафин зарраларининг тарқалиши туфайли юзага келади, бу сирт қатламида СП концентрациясининг пасайишига ва эритмада кўпикланиш жараёнининг кучайишига олиб келади. Олинган тадқиқотлар асосида кўпик сўндирувчи аралашмалар таркиблари ишлаб чиқилди (3-жадвал). 11-расмда кўпикни сўндириш самарадорлигининг бурғулаш эритмалари зичлигига боғлиқ равишда ўзгариши натижалари кўрсатилган. Энг юқори самарадорлик 97% билан ПГ5 да, энг паст натижалар эса 83% қиймати билан ПГ1 ва ПГ6 да кузатилди. энг юқори кўрсаткичларга СП ва ПЭ миқдори кўп бўлганда эришилди.

3-жадвал.

Кўпик сўндирувчи аралашмалар формулалари, % масса

| Номланиши | Соапсток | СП | ПЭ | ПАА | ППГ | АК | КМЦ |
|-----------|----------|----|----|-----|-----|-----|-----|
| КС1 | 20 | 60 | 10 | 5,0 | 4,0 | 0,5 | 0,5 |
| КС2 | 15 | 60 | 15 | 4,5 | 4,0 | 0,5 | 1 |
| КС3 | 20 | 65 | 10 | 2,5 | 2,0 | - | 0,5 |
| КС4 | 10 | 75 | 10 | 2,5 | 2,0 | - | 0,5 |
| КС5 | 15 | 60 | 20 | 2,5 | 2,0 | - | 0,5 |
| КС6 | 30 | 50 | 15 | 2,5 | 2,0 | 0,5 | - |
| КС7 | 40 | 40 | 15 | 2,0 | 2,0 | 0,5 | 0,5 |
| КС8 | 40 | 40 | 20 | - | - | - | - |


12-расмга кўра, ПГ4 ва ПГ5 таркибида кўпикни олдини олишнинг энг юқори кўрсаткичлари мос равишда 36 ва 33% ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, соапстокнинг миқдори юқори (ПГ7 ва ПГ8) бўлганда кўпикни олдини олишнинг энг паст кўрсаткичларига эга, соапсток таркиби камроқ бўлганда эса (ПГ3 ва ПГ4) кўпикни олдини олишда кўрсаткичлари юқори. Бу шуни кўрсатадики, композициядаги кўп миқдордаги соапстокнинг юқори кўпикни сўндириш қийматлари юқори эканлигига қарамай, кўпикни сўндириш самарадорлигини камайтириши мумкин. Соапсток кўпик ҳосил қилувчи восита бўлиб, газ-суюқлик чегарасидаги фаол сиртлар туфайли кўпикни олдини олиш самарадорлигини камайтириши мумкин.

Олинган экспериментал натижалар ва ўтказилган кенг қамровли тадқиқотлар асосида сувга асосланган бурғулаш эритмалари учун кўпикка қарши аралашмани олишнинг илмий ва услубий тамойиллари ишлаб чиқилди.


Ишлаб чиқариш технологияси турли хил кимёвий реакторларда содир бўладиган бир нечта кетма-кет жараёнларни кўзда тутади:

1-реактор оҳак билан соапсток аралашмасини тайёрлаш учун мўлжалланган. Технологияда даврий типдаги реакторлардан фойдаланилди. Жараён 50-55°C ҳароратда ва атмосфера босимида содир бўлади ва унинг

давомийлиги 1 соатни ташкил этади. Бу ҳолда, оҳақ сути сарфи бўйича чиқиши 95% дан ортиқни ташкил этади. Иккала хом ашё ҳам алоҳида тайёргарлик босқичидан ўтади.




11-расм. Ишлаб чиқилган кўпик сўндирувчилар таркибларининг ЭФ ни таққослаш.



12-расм. Кўпикни сўндурчи композициянинг кўпикни сўндириш самарадорлиги.

2-реактор ишлатилган гексаннинг бош фракциясини азеотропик дистиллаш усулида суюқ парафин олишга мўлжалланган. Технология хом ашёни юклаш, бош фракцияни азеотропик дистиллаш ва асосий маҳсулот – C_{11-28} фракциясининг суюқ парафин атмосфера босими дистилляторларида дистиллашни ўз ичига олади. 2-реакторнинг унумдорлиги ўртача 600 л/соатни ташкил қилади, энгил фракцияларнинг чиқиши эса дастлабки чиқиндилар таркибига боғлиқ.



13-расм. Соапсток, суюқ парафин ва полиетилен майдаларлари асосида кўпик сўндирувчи ишлаб чиқариш технологик линиясининг умумий схемаси.

3-реактор - дизел ёқилғисида паст молекуляр оғирликдаги полиетилен суспензиясини олиш учун мўлжалланган. Реактор иситиш тизими билан жиҳозланган бўлиб, у махсус қувурлар ёрдамида реакторнинг ташқи қобиғи ичида айланиб юрадиган иситиладиган сувдан фойдаланади. Жараён $50-55^{\circ}C$ ҳароратда ва атмосфера босимида содир бўлади ва унинг давомийлиги тахминан 1 соатни ташкил қилади.

4-реактор барча шаклландуриш компонентларни аралаштириш учун мўлжалланган.

Ушбу қурилма (13-расм) аралаштиргич ёки айланма насос билан жиҳозланган бўлиб, унга тайёр хом ашё вақти-вақти билан 1-3 реактордан юкланади, аралаштирилади ва дастлабки реагентларнинг керакли конверсия даражасига эришилгунга қадар сақланади. Шундан сўнг, тайёр аралашма туширилади ва реактор кейинги жараёнга тайёрланади, сўнгра цикл такрорланади.

Қайта ишланган материалларга асосланган кўпик сўндирувчиларнинг нархини аниқлаш учун 4.5-бандда тавсифланган шартларга мувофиқ ПГ3 ва ПГ4 нинг фойдаланиши натижасида келиб чиқадинган иқсодий самарадорлик ҳисоб-китоб қилинган. Ҳисоблаш натижалари 4.7 ва 4.8-жадвалларда келтирилган, реагентлар нархи эса 2022 йил декабр ойига ҳолатига кўра кўрсатилган. Реакторларнинг электр жиҳозларининг ўзига хос қувватини аниқлаш учун 2022 йил декабр ҳолатига кўра сотувга қўйилган реакторларнинг техник тавсифларидан фойдаланилган.

4-жадвал.

ПГ3 кўпик сўндирувчининг таннархини ҳисоблаш ва (1 тонна учун ҳисобланган) материал баланси

| Компонент | Миқдори, кг (л) | Етказиб берувчи | Нархи, сум/кг (л) | Баҳоси, минг. сум |
|---|--------------------|----------------------------------|----------------------|----------------------|
| Соапсток | 18,0 | Узёғмойсаноат | 9000 | 810,0 |
| Куйдирилган оҳак | 2,0 | "Кўнғирот сода заводи" МЧЖ ҚК | 1100 | 11,0 |
| СП | 65,0 | Uz-Kor Gas Chemical | 1200 | 900,0 |
| ПЕ | 4,0 | Uz-Kor Gas Chemical | 900 | 36,0 |
| ДТ | 6,0 | Uzbekneftegaz GTL | 11870 | 712,2 |
| ПАА | 2,5 | Навоиазот, АО | 65900 | 1647,5 |
| ППГ | 2,0 | Хитой | 66240 | 1324,8 |
| КМС | 0,5 | "Тошкент Полимер Синтез" МЧЖ | 28000 | 140,0 |
| Бевосита ҳаражатлар (компонентлар нархи *0,3) | | | | 1674,45 |
| Билвосита ҳаражатлар ((бевосита ҳаражатлар +компонентлар нархи)*0,2 | | | | 1451,19 |
| ЖАМИ | | | | 8707,14 |

Шундай қилиб, ПГ3 ва ПГ4 кўпик сўндирувчиларнинг нархи 9801 ва 8707 сўм/кг ни ташкил қилади. Олинган кўпик сўндирувчилар МАС-200 ва Пента 467 силикон кўпикни сўндирувчи аналогларидан анча арзон. 2022-йил декабр ҳолатига кўра ушбу кўпик сўндирувчиларнинг жаҳон бозоридаги нархи 57100 ва 39116 сўм/кг ни ташкил этади. Фойдаланиш учун тавсия этилган технология тижорат маҳсулотларига яқин бўлган ва баъзи ҳолларда улардан ҳам афзал бўлган кўпикни сўндирувчи воситаларни олиш имконини беради. Агар кўпикни сўндирувчи реагентини МАС-200 ёки Пента 467 билан алмаштиришда иқтисодий фойдани таҳлил қилсак, қуйидаги қийматларни олишимиз мумкин:

МАС-200 ни ПГ4 га алмаштирганда $57100-8707=48393$ сўм/кг;

Пент 467 ни ПГ4 га алмаштирганда $39116-8707=30409$ сум/кг.

Агар битта қудуқни бурғилаш учун ўртача 750 кг га яқин кўпикни сўндирувчи аралашма сарфланса, бу реагентларни ПГ4 билан

алмаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳар бир қудукка 30 миллион сўмдан ошади.

ХУЛОСА

1. Муайян сирт фаол моддани ва унинг концентрацияси танлаш сув асосидаги бурғулаш эритмаларини олишда кўпик ҳосил бўлиши кинетикасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, ОП-10 сирт фаол моддасини қўллаш ГКЖ-11 нинг фойдаланишга нисбатан юқори кўпик баландлиги ва вақт ўтиши билан катта барқарорликни тامينлаб, бу бурғулаш суюқликларининг хусусиятларига салбий таъсир қилиши аниқланди.

2. Суюқ парафин кўпикка қарши восита сифатида тез таъсир қилиб, бу таъсир 30 дақиқа сақланиб қолса, соапсток дастлаб паст самарадорликни намоён қилади, сўнгра вақт ўтиши билан самарадорлик ортади. Полимерли эритмада кўпикни сўндиришда, кўпик сўндирувчилар бир ҳилда самарани кўрсатди. СП эмульгаторлар ва гидрофоб компонентлар учун ташувчи сифатида ишлатилиши мумкинлиги аниқланди.

3. Кўпик сўндирувчининг композицияси турли компонентларни ўз ичига жумладан, 60% гача СП, тахминан 20% гидрофоб кўшимча, 20-40% гача сирт фаол моддалар, полипропилен гликол ва ПАА аралашмасини олиши мумкин. ПАА % моль улушини тахминан 5-15 моль нисбатида акрил ёки бошқа кислота қўшилиши композиция хусусиятларини яхшилаши мумкин. Компонентлар умумий нисбатининг тажриба орқали аниқланиши ва кўпик сўндирувчининг махсус қўлланилишига мослаштирилиши мумкинлиги аниқланди.

4. Ҳар бири ўзининг ноёб таркибига эга ва бу унинг самарадорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган кўпик сўндирувчи композициялари ишлаб чиқилди. Энг самарали 97% кўпик сўндирувчи ПГ5(КС-5) бўлиб, ПГ1 ва ПГ6 эса пастроқ 83% натижаларга эга. Шу билан бирга, кўпик ҳосил бўлишини олдини олиш даражаси кўпик сўндирувчининг таркибига, шу жумладан сирт фаол моддалар ва соапстокнинг таркибига қараб жуда катта фарқ қилиши исботланди.

5. Кўпик сўндирувчи аралашмаларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишнинг илмий асослари яратилди. Технологик схема кўпикка қарши аралашмани ишлаб чиқаришда хом ашёни, компонентларни тайёрлаш ва тозалаш, тайёр маҳсулотларни аралаштириш ва қадоқлаш каби бир неча босқичлардан иборат. Ушбу босқичларнинг ҳар бири сифатли маҳсулот олиш учун жуда муҳимдир, шунинг учун уни бажаришда алоҳида эътибор ва аниқлик талаб этилади.

6. Сув асосидаги бурғулаш эритмалари учун кўпик сўндирувчиларни саноат миқёсида олиш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология асосида олинган ПГ3 ва ПГ4 кўпик сўндирувчиларнинг нархи жаҳон бозоридаги. Пента 467 каби аналогларидан анча паст. Ушбу реагентларни ПГ4 билан алмаштирганда ҳар битта қудукдан 30 миллион сўмгача иқсодий самарадорликга эришилди. Бундан ташқари, технология тижорат маҳсулотларига яқин ва баъзи ҳолларда улардан ҳам юқори бўлган хусусиятларга эга кўпик сўндирувчиларни олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02.30.12.2019.К/Т35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

КАЛИЛАЕВ МАКСЕТБАЙ УРАЗБАЙ УЛИ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ПЕНОГАСИТЕЛЕЙ ДЛЯ БУРОВЫХ
РАСТВОРОВ НА ОСНОВЕ ВТОРИЧНОГО СЫРЬЯ**

02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером В2023.4.PhD/Т3816

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.iopx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу www.ziyouet.uz.

Научный руководитель:

Бухаров Шухрат Буриевич
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Адилов Бобиржон Замирович
доктор технических наук, профессор

Уришов Собир Насимович
доктор философии по техническим наукам,
доцент

Ведущая организация:

Каракадтакский государственный
университет им. Бердиха

Защита состоится «29» декабря 2023 г. в «12⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.02.30.12.2019.K/T35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: iopx@academy.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 6, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «15» декабря 2023 года.
(Реестр за № 6 от «15» декабря июня 2023 года).



Закиров Б.С.

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Салиханова Д.С.

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Зам. председателя научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире проводятся исследования с целью создания новых пеногасителей для буровых растворов и улучшения их свойств. Это связано с тем, что образование пены в буровых растворах является нежелательным и может привести к снижению эффективности бурения и увеличению риска аварий в скважинах. Однако выбор эффективных пеногасителей, стабилизаторов и оптимизация составов буровых растворов для соответствия геолого-техническим условиям бурения являются важными задачами для предотвращения возможных осложнений в процессе бурения.

В мире ведутся научные исследования по созданию новых материалов высокими пеногасящими характеристиками. В связи с этим, особое внимание уделяется получению и исследованию новых пеногасящих смесей на основе природного сырья, синтетических реагентов и промышленных отходов, установлению их активности в процессе разрушения пены и природы взаимодействия с различными компонентами в составе буровых промывочных жидкостей, составом и характеристиками получаемых пеногасителей, разработке и апробацию технологии их получения, выбору эффективных пеногасителей в буровых растворах для уменьшения пенообразования и повышения эффективности бурения, а также предотвращению возможных осложнений и аварий в скважинах.

В Республике достигнуты научные и практические результаты по получению новых материалов, в том числе пеногасителей на основе местного сырья и промышленных отходов. В третьем направлении стратегии развития Нового Узбекистана, направленной на дальнейшее развитие Республики Узбекистан определены задачи в направлении «Обеспечение устойчивости национальной экономики и увеличение промышленности в общей внутренней продукции, увеличение объема производства промышленности продукции в 1,4 раза...»¹. В этом аспекте имеет большое значение научные исследования по созданию высокоэффективных пеногасящих реагентов, отвечающих современным требованиям буровой промышленности, установлению связи между функциональными особенностями и условиями получения, а также их составом.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализацией задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», №ПП-2614 от 28 сентября 2016 года «О мерах по увеличению производства готовой экспортоориентированной продукции на основе глубокой переработки углеводородного сырья на 2016-2020 годы», № ПП-3246 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

промышленности», а также других нормативно-правовых актах, касающиеся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В мире целенаправленные исследования в области создания реагентов и материалов, в т.ч. пеногасителей для буровых растворов активно проводятся научными школами Jerry Englund, James Low, Carlos Kerpen, Robert Klein, Г.Г.Ишбаева, В.М. Захарова, А.Н.Королева, И.А.Кравченко, А.В.Косточкой и др.

В Узбекистане под руководством К.С.Ахмедова была создана школа, направленная на исследования создания ПАВ и других химических реагентов для буровых растворов, представители которой: Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекель, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамходжаев, У.К.Ахмедов, Б.Н.Хамидов, Г.Р.Нарметова, И.К.Сатаев, С.А.Абдурахимов, И.Д.Эшметов, А.Б.Абдикамалова и др. внесли весомый вклад в ее развитие.

Следует отметить, что до настоящего времени не проводились исследования по созданию технологии получения и применения новых видов эффективных пеногасителей для буровых промывочных жидкостей с учетом их состава и других характеристик. Пеногасящие добавки, получаемые по известным технологиям, имеют высокую себестоимость и не всегда показывают стабилизирующий эффект в виде предотвращения образования пены.

